

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 16-куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

Раислик қилувчи: судья Н.Н.Ашуров,

судья ёрдамчиси Б.Носировнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси Б.Бабамурадов, жабрланувчи М.Карими ва унинг вакили-

оид

1969 йил 11 сентябрда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта махсус, оилали 4 нафар фарзанди бор, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган,

н, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2023 йил 2 март кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 1 майда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг

“б” банди ва 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб кўриб, тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи

жуда кўп миқдордаги мол-мулкани талон-тарож қилиш мақсадида 2022 йил 27 май кунини Туркия Республикаси фуқароси сим махсулотларини 10 кун давомида пулларини тўлаш шартини харид қилиш бўйича оғзаки келишувга эришиб, унинг ишончига кириб, Karimi Mohammad Kurbanнинг кўрсатмасига асосан унинг иш бошқарувчиси



вазифасида ишловчи [REDACTED]

[REDACTED] сўмга нисбатан қиймати 695.475.200 сўмни ташкил қилган 62 966 АҚШ доллари (27.05.2022 йилда 1 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси 11045.25 сўмга тенг бўлган)га тенг бўлган сим маҳсулотларини қўлга киритиб, уларни нотаниш шахсларга сотиб юбориб, М.Каримига олган маҳсулот пулларини қайтармасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, унга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиб фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, А [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкани талон-тарож қилиш мақсадида 2022 йил 2 июндан 2022 йил 3 июнга қадар бўлган вақт оралиғида таниши [REDACTED] [REDACTED] ч орқали Karimi Mohammad Kurbandan сим маҳсулотларини 10 кун давомида пулларини тўлаш шарти билан оғзаки келишувга эришиб, унинг ишончига кириб, М.Каримининг иш бошқарувчиси Сулайманов Низом Якубовичдан Ўзбекистон Республикасининг Миллий валютаси ҳисобланган сўмга нисбатан қиймати 1 243 882 000 сўмни ташкил қилган 113 135 АҚШ доллари (03.06.2022 йилда 1 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси 10994.67 сўмга тенг бўлган)га тенг бўлган сим маҳсулотларини қўлга киритиб, уларни нотаниш шахсларга сотиб юбориб, М.Каримига олган маҳсулот пулларини қайтармасдан, ишончини суиистеъмол қилиб, унга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиб такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи А.Ташматов судда, айбига тўлиқ иқрорлик ва чин қўнгилдан пушаймонлик билдириб, 2022 йил май ойи ўрталарида таниши М.Карими билан гаплашиб, у билан бирга ишловчи Н.Сулаймоновдан 62.966 АҚШ долларига ҳисоблаб сим маҳсулотини олиб, пулини ўн кунда келтириб беришини айтиб, олиб кетганлигини, ушбу маҳсулотни Тошкент шаҳар Сергели туманидаги мих цехига топшириб, пулини тўлиқ қабул қилиб олганлигини, шу вақтда бизнес ҳамкорларидан қарзи бўлганлиги боис ушбу пулларни қарзлари эвазига бериб юбориб, М.Карими ёки Н.Сулаймоновга келишилган пулни бера олмаганлигини, бундан ташқари, таниши Жамхур орқали М.Каримидан 2022 йил июнь ойи бошларида 113.135 АҚШ долларига пулини кейин бериш шарти билан сим маҳсулоти харид қилиб, ушбу маҳсулотларни Тожикистон Республикасига бизнес ҳамкорларига жўнатганлигини, у бизнес ҳамкорларидан пулни олиб билмаганлиги боис М.Каримига 113.135 АҚШ долларини бера олмаганлигини, шундан сўнг М.Карими билан бирга ишловчи Н.Сулаймоновга ушбу сим маҳсулотларини Жамхур орқали шахсан ўзи қабул қилиб олганлигини айтиб тез орада пулларни қайтаришини ваъда қилиб тилхат ёзиб берганлигини, бироқ



пулларни ўз вақтида қайтара олмагач бозор нархи 50.000 АҚШ долларига тенг бўлган ўзининг яшаш уйини сотиш ҳуқуқи билан Н.Сулаймоновнинг номига расмийлаштириб берганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Тожикистон Республикасидаги бизнес ҳамкорларидан қарзини ёпиш мақсадида М.Каримига тегишли сим маҳсулотларини пулини ўн кунда бериш шарти билан олиб, аслида пулларни қатъра олмслигини билсада уларни қарзига йўналтирганлигини, ҳозирда М.Карими ва Н.Сулаймоновдан узр сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини баён қилиб, суддан ўзига қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Карими судда, Туркия давлатида истиқомат қилишини, Ўзбекистонда тадбиркорлик қилиш мақсадида “Жахон Демир” МЧЖ ташкил қилиб, таниши Н.Сулаймоновни иш бошқарувчи вазифасига тайинлаганлигини, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомида Кахаров Жамхур ва Ташматов Айбек билан танишиб қолганлигини, 2022 йил 27 май куни А.Ташматовнинг илтимосига кўра унга 62.699 АҚШ долларига тенг бўлган жами 66.280 кг сим маҳсулотларини Н.Сулаймонов орқали Тошкент шаҳрига жўнатиб юборганлигини, А.Ташматов маҳсулотларни қабул қилиб, ўн кун ичида пулини беришини айтганлигини, бироқ А.Ташматов пулларни унга қайтармасдан, уларни қарзи эвазига бериб юборганини билдирганлигини, шунингдек таниши Жамхур илтимос қилганлиги сабабли 2022 йил 2 июнь куни 65 100 кг, 2022 йил 3 июнь куни 58 710 кг маҳсулотларни жами 113.135 АҚШ долларига ҳисоблаб Н.Сулаймонов орқали бериб юборганлигини, шундан сўнг Жамхур юкларни Тошкент шаҳрида қабул қилиб олиб, пулини тезда юбориши ваъда қилиб, уни алдаганлигини, у Жамхурдан келишилган пулни беришни талаб қилганида, Жамхур турли баҳоналар қилиб, сим маҳсулотларни А.Ташматовнинг илтимосига кўра унга олиб берганлиги ҳақида кейинчалик маълум қилганлигини, шундан сўнг А.Ташматов ҳам бунни тасдиқлаб, Жамхур орқали сим маҳсулотларини олиб, уларни сотганлигини аммо пулини бера олмаётганлигини айтиб тез орада олдинги маҳсулотларни пули билан биргаликда пулларни қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, бироқ А.Ташматов пулларни ўз вақтида қайтармагач Н.Сулаймонов ушбу ҳолат ҳақида ИИБга мурожаат қилганлигини, ҳозирда А.Ташматов унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб бериб, ундан кечирим сўраганлигини, А.Ташматовга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Гувоҳ Н.Сулаймонов судда, “Жахон Демир” МЧЖда раҳбарлик қилиб келишини, ушбу корхона таъсисчиси Туркия фуқароси М.Карими эканлигини, корхонанинг асосий фаолияти Эрон Ислон Республикасидан металл маҳсулотларини олиб келиб Ўзбекистон Республикасида улгуржи ва чакана сотиш билан шуғулланишини,



А.Ташматов ва Ж.Кахаровни бизнес ҳамкор сифатида танишини, улар корхонадан бир неча марта сим маҳсулотлари олиб кетиб, пулини ўз вақтида келтириб берганликларини, 2022 йил 27 май куни А.Ташматов М.Карими билан келишиб, корхонадан жами 62.966 АҚШ долларилик маҳсулотларни пулини ўн кунда бериш шарти билан олиб кетганлигини, у М.Каримининг топшириғига кўра ушбу маҳсулотларни Тошкент шаҳрига А.Ташматовга жўнатиб юборганлигини, бироқ А.Ташматов келишилган муддатда пулларни бермасдан, маҳсулотларни сотиб қарзига ишлатиб юборганлиги ҳақида маълум қилганлигини, шунингдек 2022 йил 2-3 июнь кунлари Ж.Кахоровга 113.000 АҚШ долларлик сим маҳсулотларини Тошкент шаҳрига жўнатиб юборганлигини, Ж.Кахоров маҳсулотларни қабул қилиб, пулини шу куни жўнатиб юбориш ҳақида М.Карими билан келишиб, унга ваъда қилганлигини, шу сабабли М.Каримининг топшириғига кўра Ж.Кахоровга ушбу маҳсулотларни жўнатганлигини, Ж.Кахоров ҳам маҳсулотларни қабул қилиб олиб, пулини бермасдан алдаб келганлигини, кейинчалик М.Кахоров билан учрашиб, ундан маҳсулотларни пулини ёки ўзини қайтаришни талдаб қилганида, Ж.Кахоров маҳсулотларни А.Ташматовнинг илтимосига кўра унга олиб берганлигини, А.Ташматов пулини тезда беришни ваъда қилганлиги сабабли унга ишонганлигини айтганини, А.Ташматов ҳам Ж.Кахоровни гапларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам маҳсулотларни ўзи олганлиги ва уларни сотиб юборганлигини, пулини қарзларига сарфлаганлигини айтиб, пулларни тезда қайтариши ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, шундан сўнг ҳам А.Ташматов пулларни қайтармагач, ушбу ҳолат ҳақида М.Каримининг топшириғига кўра ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирда А.Ташматов томонидан етказилган зарарлар, яъни 62.966 АҚШ доллари ва 113.135 АҚШ доллари тўлиқ қайтарилганлигини баён қилди.

Гувоҳ М.Музаффаров судда, “AVRORA RAILWAY LOGISTIC” МЧЖда иш бошқарувчиси вазифасида ишлашини, мазкур корхона божхона омбори сифатида фаолият юритишини, “Жахон Демир” МЧЖга келган темир маҳсулотлари дастлаб ушбу омборга келиб тушиши, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг “Жахон Демир” МЧЖ раҳбари Н.Сулаймонов томонидан маҳсулотлар олиб кетилишини, 2022 йил май ойи охирларида “Жахон Демир” МЧЖга тегишли 10 вагон темир маҳсулотлари омборга келиб тушганлигини, ушбу маҳсулотлар 2022 йил 27 май куни Н.Слаймонов томонидан юк автомашиналарда олиб кетилганлигини, шунингдек 2022 йил июнь ойи бошида ҳам “Жахон Демир” МЧЖга тегишли 10 вагон темир маҳсулотлари омборга келиб тушганлигини, ушбу маҳсулотлар 2022 йил 2 июнь куни Н.Сулаймонов томонидан олиб кетилганлигини, Н.Сулаймонов ушбу



маҳсулотларни қачон кимга сотганлигидан хабари йўқлигини баён қилди.

Судланувчи А.Ташматовнинг айби, унинг ўз айбига иқрорлик билдириб берган суддаги кўрсатувларидан ташқари, суд муҳокамасида текширилиб, баҳо берилган ариза, тилхатлар, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи А.Ташматовнинг айби квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ортиқча квалификация қилинган деган хулосага келди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши;

Жиноят кодекси 33-моддасида, ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилиши, агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши қайд этилган.

Дастлабки тергов органи А.Ташматовнинг қилмишини квалификация қилишда ЖК 33-моддаси талабларига амал қилмасдан, унинг ЖК 168-моддасининг турли қисм ва бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда ифодаланган бир неча жиноий қилмишларини алоҳида малакалаб хатоликка йўл қўйган.

Шу боис суд, судланувчи А.Ташматовнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан қўйилган ортиқча айбловни чиқаришни лозим топди.

Суд, судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талабларига ва Республика Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир



этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги;

бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги;

жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатларни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Ташматовга нисбатан жазо тайинлашда, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарлар тўлиқ бартараф этилганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, оилавий аҳволи ва моддий шароитини, содир этган қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушуниб етганлигини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсади, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, унинг қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар қатъий белгиланмаганлиги сабабли унинг жазосини енгиллаштирувчи



ҳолатлар мажмуини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, фирибгарлик жиноятини мансаб ёки хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этмаганлиги боис, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 168-моддасининг 4-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унинг 2023 йил 2 мартдан 2023 йил 16 майга қадар эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган жами 76 кунининг ҳар бир кунини ЖКнинг 62-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегиришни, жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатиришни, жазо муддатини унинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукм ижросини Андижон шаҳар ИИО ФМБга юклатишни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишни лозим топди.

Суд, етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи М.Каримига етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва унинг судланувчи А.Ташматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган М.Каримидан ҳужжатлаштириб олинган тилхат дастлабки тергов давомида жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни ва иш ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Ташматов Айбек Абдукадирович (Tashmatov Aybek Abdukadirovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш йўли билан 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан унинг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган 76 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб,



тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил 2 (икки) йил 4 (тўрт) ой 12 (ўн икки) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин. Жазо муддати унинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ижросини назорат қилиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ мутасаддилари зиммасига юклатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи М.Каримига етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда уларнинг судланувчи А.Ташматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Жабрланувчи М.Каримига бошқа моддий ҳамда маънавий зарар етказилганлигини тасдиқловчи асосли ҳужжатларни тўплаб, келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил-М.Каримидан ҳужжатлаштириб олинган тилхат дастлабки тергов давомида жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин ва жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан, шу суд орқали Бухоро вилоят судига йигирма сутка муддат ичида апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ашуров

